

**Хорижий валюта харид қилиш ва сотиш операцияларининг
умумий шартлари тўғрисида
оммавий оферта-шартномаси**

Тошкент шаҳри

15.02.2021

Ушбу ҳужжат «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ (бундан кейин - Банк) нинг расмий таклифи (оммавий офертаси) бўлиб, Банк мижозлари бўлган - юридик шахсларга / якка тартибдаги тадбиркорларга (бундан буён Мижоз деб аталади) хорижий валюта харид қилиш ва сотиш бўйича хизмат кўрсатишнинг стандарт шартлари ва тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг (ЎЗР ФК) 369-моддаси 2-бандига мувофиқ, оммавий оферта-шартномаси шартларини қабул қилиш тўғрисидаги Аризани топшириш йўли билан, қуйида келтирилган оммавий оферта шартларини қабул қилган Мижоз – офертани қабул қилаётган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор, (ЎЗР ФК 370-моддаси 4-қисмига асосан) Буюртмачи деб ҳисобланади, Банк ва Буюртмачи/Мижоз эса биргаликда – мазкур Шартноманинг тарафларига айланади.

Юқорида келтирилганларга асосан, мазкур оммавий офертанинг матнини эътибор билан ўқинг ва Банк тарифлари билан танишиб чиқинг. Офертанинг у ёки бу бандига нисбатан норозилигингиз бўлса, Банк хизматларидан фойдаланишни рад этишингизни таклиф (тавсия) этади.

I. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур Шартномада қуйидаги атамалар қўлланилган бўлиб, уларни қуйида келтирилган тавсифига мувофиқ равишда талқин қилиш лозим:

Оферта - ушбу ҳужжат Банк ва Мижозлар ўртасида хорижий валюта сотиш ва харид қилиш операцияларини амалга оширишнинг умумий шартлари тўғрисида оммавий оферта шартномасидир.

Офертани қабул қилиш – мижоз ушбу офертанинг 1.2 бандида кўрсатилган ҳаракатларни бажариши орқали офертани тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши.

Буюртмачи/Мижоз – оферта акцептини амалга оширган ва шу тариқа, тузилган оммавий оферта-шартномасига (кейинги ўринларда – «Шартнома») мувофиқ Банк хизматлари Буюртмачиси бўлган юридик шахс/якка тартибдаги тадбиркор.

1.2. Шартнома шартлари стандарт шаклда келтирилган бўлиб, Мижоз томонидан, Оммавий оферта-шартномаси шартларини қабул қилиш тўғрисидаги Аризани топшириш вақтида, розилик бериш йўли билан қабул қилиниши мумкин (мазкур Оферта-шартномасига 1-илова). Аризани топшириш Мижознинг ушбу Шартномага тўлиқ қўшилишини англатади. Шартнома Мижознинг Аризаси Банкда рўйхатга олинган вақтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади.

1.3. Хорижий валюта харид қилиш ёки сотиш учун буюртманомалар тақдим этиш орқали Мижоз Банкга хорижий валюта харид қилиш ёки сотиш топширигини беради, Банк эса мижознинг буюртманомасини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Хорижий валюта харид қилиш ёки сотиш учун ариза (кейинги ўринларда – Ариза) Мижоз томонидан, мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида, ҳар сафар хорижий валюта харид қилиш ёки сотиш зарурати туғилганда, Банк томонидан ўрнатилган шаклда (Шартномага 2- ва 3-иловалар), ёзма равишда ёки «Корпоратив Интернет-Банкинг» тизимидан фойдаланган ҳолда электрон тарзда расмийлаштирилади.

1.5. Мижознинг захиралаш учун Банкда очилган махсус ҳисобварағида миллий ёки хорижий валютадаги маблағларнинг мавжудлиги хорижий валюта харид қилиш ёки сотиш бўйича операцияларни амалга оширишнинг мажбурий шартидир.

1.6. Хорижий валюта харид қилиш ёки сотиш буюртманомаси тақдим этилганидан сўнг Банк томонидан 2 (икки) банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда операцияни амалга ошириш вақтида Банк томонидан ўрнатилган курс бўйича ўтказилади.

1.7. Мижоз томонидан буюртманома, уни Банк томонидан бажарилишидан олдин бекор қилиниши мумкин.

1.8. Мижоз томонидан сотувга қўйиладиган хорижий валютасидаги маблағлар Банк томонидан битишув вақтида белгиланган ҳамда "Корпоратив Интернет -банкнинг" тизимида эълон қилинган курс бўйича сотиб олинади.

1.9. Мижозларнинг хорижий валюта харид қилишга тақдим этиладиган буюртманомалари Банкнинг ўз валюта ресурслари ҳисобидан, битишув вақтида Банк томонидан белгиланган ва Корпоратив Интернет-банкнинг тизимида эълон қилинган курс бўйича қондирилади.

1.10. Банк ва мижоз ўртасидаги хорижий валюта харид қилиш ёки сотиш муносабатлари ушбу Шартнома ва Мижознинг хорижий валюта сотиш ёки харид қилиш тўғрисидаги буюртманомаси асосида тартибга солинади ва амалга оширилади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ушбу шартнома амал қилиш муддати мобайнида хорижий валюта харид қилиш ёки сотиш учун аризаларни топшириш;

2.1.2. Буюртмаларнинг бажарилиш жараёни тўғрисида Банкдан маълумот олиш;

2.1.3. Банкга тақдим этилган буюртманомаларни бажарилгунга қадар қайтариб олиш;

2.1.4. Ушбу Шартномани бекор қилиш, шу билан бирга илгари тақдим этилган Буюртманомаларга мувофиқ Банк билан ўзаро ҳисоб - китобларни амалга ошириш.

2.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1. Агар буюртманома Банк томонидан белгиланган шаклда тақдим этилмаса, мижознинг буюртманомасини қабул қилишдан бош тортиш;

2.2.2. Агар мижознинг махсус ҳисобварағида миллий ёки хорижий валютада буюртманомада кўрсатилган миқдорда маблағ бўлмаса, буюртманомани қабул қилишдан бош тортиш;

2.2.3. Мижознинг махсус ҳисобварағидан захираланган хорижий ёки миллий валютадаги буюртманомада кўрсатилган миқдордаги маблағларни ҳамда хорижий валюта харид қилиш тўғрисидаги буюртманомани кўриб чиқиш учун Банк комиссиясини, акцептсиз равишда ҳисобдан чиқариш;

2.2.4. Оферта шартномаси ва Банк тарифлари шартларини бир томонлама белгилаш ва ўзгартириш;

Банк Оферта-шартномасига, Тарифларга ўзгартириш ва/ёки қўшимча киритса, Банк ушбу ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар жорий этилиш санасидан камида 10 (ўн) календарь куни олдин, мазкур Шартномага қўшимча келишувни тузмаган ҳолда, қуйидаги йўллардан бири билан хабардор қилади:

- Банк офисларидаги маълумот стендларида Оферта Шартномаси ва тарифларга киритилган ўзгартиришлар ва / ёки қўшимчаларни жойлаштириш орқали;

- Банкнинг www.aab.uz веб –саҳифасида Оферта шартномасига ўзгартиришлар ва / ёки қўшимчаларни жойлаштириш орқали;

- бошқа йўл билан, Банкнинг хоҳишига кўра.

Агар Мижоз киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан рози бўлмаса, ушбу Шартноманинг 5.3 - бандига мувофиқ Мижоз шартномани бекор қилишга ҳақли.

Агар Шартнома ва / ёки Тарифларнинг янги таҳрири www.aab.uz веб - сайтига жойлаштирилган кундан бошлаб 10 (ўн) календарь кундан кейин., Мижоз бу ўзгаришларга

хеч қандай тарзда норозилигини билдирмаса ва Шартномани бекор қилмаса, Шартнома ва / ёки янги таҳрирдаги Тарифлар Мижоз томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

2.3. Банк мажбуриятлари:

2.3.1. Шартномада белгиланган муддатда Мижоз томонидан тақдим этилган Буюртманомаларни бажариш;

2.3.2. Ахборот стендларида, Интернет - сайтларда ва х.к. жойлаштириш орқали, Мижознинг Оферта Шартномасига, Тарифларига киритилган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар тўғрисида хабардор қилиш.

2.4. Мижоз мажбуриятлари:

2.4.1. Миллий ёки хорижий валютада Банкда маблағларни резервлаш мақсадида миллий ёки хорижий валютада махсус ҳисобварақ очиш;

2.4.2. Хорижий валюта харид қилиш ёки сотишга Банкга томонидан белгиланган шаклда буюртманома бериш;

2.4.3. Буюртманома тақдим этилган куни махсус ҳисобварақда буюртманомада кўрсатилган миқдордаги миллий ёки хорижий валютадаги захира маблағларига эга бўлиш;

2.4.4. Банк томонидан хорижий валюта харид қилинганидан кейин Мижознинг миллий валютадаги махсус ҳисоб варағида қолдик шаклланган бўлса, Банк акцептсиз тартибда резервланган пул маблағлари қолдиқларини махсус ҳисоб варақдан ечиб олиб, Мижознинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисоб варағига ўтказишга, агар ҳисоб варақ хорижий валютада бўлса – ссуда ҳисоб варағига ўтказишга ҳақли.

2.4.5. Тарифларга мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун Банк воситачилик ҳақини тўлаш.

Оммавий оферта шартномасини қабул қилиш орқали Мижоз воситачилик ҳақини тўлаш учун Банкда очилган ҳисобварақларидаги маблағларни акцептсиз равишда ҳисобдан чиқаришга розилик беради.

2.4.6. Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилиги талабларига риоя қилиш;

2.4.7. Банкнинг ахборот стендлари, Интернет тармоғидаги расмий сайти ва бошқа манбаларда эълон қилинган Оферта-шартномасидаги ўзгаришлар, Банк Тарифлари ўзгаришлари билан танишиб бориш.

III. Томонларнинг жавобгарлиги.

3.1. Мазкур Шартномада келтирилган мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки керакли тарзда бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

IV. Форс -мажор ҳолатлар.

4.1. Тарафлар Шартномада келтирилган мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки керакли тарзда бажармаганлик учун, ушбу бажармаслик ва/ёки керакли тарзда бажармаганлик ҳолати енгиб бўлмас кучга эга (форс-мажор) вазиятлар натижасида вужудга келган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

4.2. Енгиб бўлмас кучга эга вазиятлар деганда, ушбу Шартнома имзоланганидан кейин вужудга келган, фавкулотда тусга эга, аввалдан маълум бўлмаган ва олдини олишнинг иложи йўқ бўлган вазиятлар тушунилади. Масалан: урушлар ва ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, Банк тизимлари ишида техник узилишлар, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ва/ёки ижро этувчи ҳокимиятининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тарафларнинг мазкур Шартнома предметиға бевосита боғлиқ бўлган фаолиятини чекловчи ёки тақиқловчи ҳатти-ҳаракатлари.

4.3. Мазкур Шартноманинг 4.2-бандида келтирилган вазиятлар натижасида мажбуриятларни бажариш имкони йўқолган Тараф, тезкорлик билан иккинчи Тарафни ёзма равишда хабардор қилиши, ҳамда иккинчи Тараф талабига кўра, форс-мажор вазиятлар вужудга келгани ва/ёки тугаганини тасдиқловчи далилларни тақдим қилиши шарт. Келтирилган вазиятларнинг вужудга келгани ва/ёки тугаганини тасдиқловчи далиллар сифатида ваколатли орган томонидан берилган ёзма ҳужжатлар хизмат қилади.

4.4. 4.2-бандда кўзда тутилган ҳолларда, мазкур Шартномага кўра мажбуриятларни бажариш муддати ушбу вазиятлар ва уларнинг асоратларининг амал қилиш муддатига мувофиқ кечиктирилади.

4.5. Агар енгиб бўлмас кучга эга вазиятлар узлуксиз 30 календарь кунидан ортиқ давом этса, Тарафлардан ҳар бири мазкур Шартномани бекор қилишга ҳақли. Келтирилган ҳолатда, Банк Шартномани бекор қилиб, мувофиқ хабарномани Банк бўлинмаларидаги стендларга, ҳамда Банкнинг www.aab.uz расмий веб-сайтига жойлаштиради.

V. Бошқа шартлар.

5.1. Мазкур Шартнома Мижознинг Оммавий оферта-шартномаси шартларини қабул қилиш тўғрисидаги Аризаси Банкда рўйхатга олинган вақтдан бошлаб кучга киради ва белгиланмаган муддат давомида амал қилади.

5.2. Шартнома Тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.

5.3. Шартнома Мижознинг Аризасига асосан исталган вақтда бекор қилиниши мумкин. Шартнома имзоланган ва Мижоз муҳри билан тасдиқланган, Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги Мижознинг ёзма аризаси асосида бекор қилинади.

5.4. Қуйидаги ҳолларда Шартнома Банк томонидан бир тарафлама бекор қилиниши мумкин:

- Банк Мижозларга ушбу хизматни кўрсатишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилса;
- Мижоз Шартномада белгиланган шартларни бузса;
- қонунчилик доирасида олинган, Мижознинг террористик ёки бошқа жиноий фаолиятда иштироки ҳақидаги маълумотлар ёки гумонлар мавжуд бўлса, шунингдек, Мижоз томонидан шубҳали ва/ёки гумонли операциялар амалга оширилгани аниқланса;
- қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

5.5. Тарафлар, барча ўзаро келишмовчиликларни музокаралар йўли билан бартараф этиш учун барча чораларни кўришга келишиб олдилар. Музокаралар йўли билан бир ечимга келишнинг иложи бўлмаганда, мазкур Шартномалардан келиб чиқадиган низолар Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

5.6. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, фақатгина улар ёзма равишда тузилган бўлса ва Тарафларнинг ваколатли вакили томонидан имзоланган бўлса амалий кучга эга бўлади.

5.7. Тарафлардан ҳеч бири, иккинчи Тарафнинг ёзма розилигини олмай туриб, ўзининг мазкур Шартномада кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга топширишга ёки ўтказишига ҳақли эмас.

5.8. Мазкур Шартномада бевосита тартибга солинмаган бошқа барча масалаларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосланиб иш кўради.

5.9. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга иккита асл нусхада тузилган бўлиб, ҳар бир Тарафга биттадан тақдим этилади.

VI. Иловалар.

- Ушбу Битимга унинг ажралмас қисми бўлган қуйидаги иловалар илова қилинган:
- 1 -илова - Оммавий оферта шартномаси шартларини қабул қилиш тўғрисидаги ариза;
 - 2 -илова - Хорижий валюта сотиб олиш учун ариза;
 - 3 -илова - Хорижий валюта валюта сотиш учун ариза.

VII. Томонларнинг реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Банк»
АКБ «ASIA ALLIANCE BANK»
Манзил: Тошкент ш., Махтумқули кўч., 2а

«Мижоз»
" _____ "
Манзил:

Томонларнинг имзолари :

«Банк»

«Мижоз»

*15.02.2021 йилдаги хорижий валюта
харид қилиш ёки сотиш бўйича
операцияларни амалга оширишнинг
умумий шартлари тўғрисидаги
Оферта-шартномасига
1-илова*

**Оммавий оферта-шартномаси шартларини қабул қилиш тўғрисида
АРИЗА**

Аризачининг номи _____

Ушбу Ариза билан, битим амалга оширилиши вақтида Банк томонидан белгиланган, «Корпоратив Интернет-Банкинг» тизимида эълон қилинган курсга мувофиқ Хориж валютасини харид қилиш ёки сотиш бўйича операцияларни амалга оширишнинг умумий шартлари тўғрисидаги Оммавий Оферта-шартномасининг шартлари билан танишиб чиққанлигимни, уларга розилигимни ва Оферта-шартномасига тўлиқ қўшилишимни тасдиқлайман.

«_____» МЧЖ/Якка тартибдаги тадбиркор _____ 15.02.2021 йилдаги Хориж валютасини харид қилиш ёки сотиш бўйича операцияларни амалга оширишнинг умумий шартлари тўғрисидаги Оммавий Оферта-шартномасига қўшилганлиги сабабли, аввал, Хориж валютасини харид қилиш ёки сотиш бўйича операцияларни амалга оширишнинг умумий шартлари тўғрисида _____ й.да тузилган № _____ сонли шартнома ўз кучини йўқотади.

Юридик манзил ва реквизитлар:

Раҳбар (имзо) М.Ў.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА ХАРИД ҚИЛИШГА БУЮРТМАНОМА

Буюртмачи ном ива СТИР рақами _____

Почта манзили _____

Телефон рақами _____

Келишув бўйича саволларни хал қилишга маъсул ходимнинг Ф.И.Ш. ва лавозими: _____

Сўмдаги хисобварақ № 202%, МФО _____ «ASIA ALLIANCE BANK»
(Банк номи ва коди)

Хорижий валютадаги хисобварақ № 202%, МФО _____ «ASIA ALLIANCE BANK»
(Банк номи ва коди)

Хорижий валютадаги махсус хисобварақ № 22614% ,МФО _____ «ASIA ALLIANCE BANK»
(Банк номи ва коди)

Хорижий валюта сотиб олиш мақсади (тегишлиси тагига чизилсин):

- а) Асбоб ускуна, бутлаш ва эхтиёт қисмлар;
- б) хом-ашё ва материаллар;
- в) хизматлар;
- г) кредитлар: Хукумат томонидан кафолатланган;
- д) кредитлар: Хукумат томонидан кафолатланмаган;
- е) кредитлар: Банкнинг ўз маблағлари хисобидан берилган;
- ж) лизинг тўловлари;
- з) Дори дармон ва тиббий буюмлар;
- и) енгил автомобил;
- к) бошқа халқ истемол товарлари;
- л) даромадларни репатриация қилиш;
- м) хизмат сафарлари харажатлари;
- н) бошқа мақсадлар.

Қуйидаги шартларга қўра кўрсатилган миқдорда ва турдаги валютани сотиб олишга топшириқ берамиз:

Сотиб олинган хорижий валюта миқдори ва номи	Сотиб олиш курси (сўмда)	Жаъми сўмда
1	2	3
() АҚШ Доллари/Евро/...		() сўм

Шартнома рақами ва санаси _____

Буюртманомга ижро этилган тақдирда сўмдаги №22613000% _____ махсус х/р дан сотиб олинган хорижий валютанинг банк белгилаган курси бўйича эквивалентини банк фойдасига чиқим қилинишига топшириқ берамиз;

Илова:

1. _____
2. _____

Директор _____ (имзо)

М.Ў.

Бош ҳисобчи _____ (имзо)

«__» _____ 20__ г.

15.02.2021 йилдаги хорижий валюта харид қилиш
ёки сотиш бўйича операцияларни амалга
оширишнинг умумий шартлари
тўғрисидаги Оферта-
шартномасига
3-илова

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА СОТИШГА БУЮРТМАНОМА

Буюртмачи ном ива СТИР рақами _____

Сўмдаги хисобварақ №	202%	«ASIA ALLIANCE BANK»	МФО
(Банк номи ва коди)			
Хорижий валютадаги хисобварақ №	202%	«ASIA ALLIANCE BANK»	МФО
(Банк номи ва коди)			
Хорижий валютадаги махсус хисобварақ	29896%905	«ASIA ALLIANCE BANK»	МФО
(Банк номи ва коди)			

Қуйидаги шартларга қўра кўрсатилган миқдорда ва турдаги валютани сотишга топшириқ берамиз:

Сотиладиган хорижий валюта миқдори ва номи	Сотиш курси (сўмда)	Жаъми сўмда
1	2	3
() АҚШ Доллари/Евро/...		() сум

Юқорида кўрсатилган хорижий валютадаги маблағларни №202...840/978/..... хисобрақамдан 29896840/978/...905 хисобрақамга ўтказишингизни сўраймиз.

Ушбу буюртманомада кўрсатилган хорижий валютадаги маблағларни махсус хисобрақамдан чиқим қилиб, миллий валюта эквивалентидаги жами маблағларни №202%000% хисобрақамга кирим қилиш топшириғини берамиз.

_____ й.

Директор

_____ (Имзо)

М.Ў.

Бош ҳисобчи

_____ (Имзо)